

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 9 май, № 92 (4502)

Жума



САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислом Каримов Жаноби
Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуганиевич,
Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг
63 йиллиги муносабати билан йўллаётган самимий
табрикларимни қабул этгайсиз.

Ушбу унутилмас кунда биз Ватанни фашизм боло-
сидан асраб қолган, бу йўлда мислсиз жасорат кўрсат-
ган уруш фахрийлари ва фронт ортида меҳнат қил-
ган инсонлар олдида ҳурмат баҳо келтирамиз. Улар-
нинг жасорати ва матонати, бардоши ва ҳамжихатли-
ги мамлакатларимиз халқларининг бугунги авлодлари
учун ҳам муносиб намунадир.

Ишончим комилки, халқларимиз ўртасида қарор
топган, суронли уруш йилларида тобланган дўстлик
бундан буён ҳам Россия билан Ўзбекистон ўртасида-
ги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни
янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб
хизмат қилаверади.

Жаноби Олийлари, Улуғ Ватан уруши фахрийлари-
га мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, бутун Ўзбекист-
тон халқига тинчлик ва равақ тилаб билдирган эзгу
тилақларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Дмитрий МЕДВЕДЕВ,
Россия Федерацияси Президенти.

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ, ҚАДРИ — САРБАЛАНД

Инсон хотиралар билан яшайди.
Кечаги куннинг машаққатларини
эслаб, оғир дамларни бугунги
фарахбахш ҳаёт нуқтаи назаридан
муқояса қилсак, эзгулик, яхшилик-
ни улуглаб яшашига кўпроқ интила-
миз. Президентимизнинг ташаббу-
си ва тақлифларига биноан,
9 майнинг Хотира ва қадрлаш кuni
сифатида нишонланиши замирида
ҳам кишиларни эзгуликка ундаш
фалсафаси мужассам.

9 — Хотира ва қадрлаш куни



Хотира ва Қадр деб аталмиш муқаддас
тушунчалар ҳақида гап кетганда, албатта,
оқибат, яхшилик, саховат, ҳиммат сингари
хислатлар тилга олинади. Зеро, юртимизда
истиколат қилаётган ҳар бир киши, айниқса,
ёш авлод мана шу байрам тимсолида ёши
улугларни қадрлаш, саховатга муҳтож киши-
ларга кўмаклашиш каби олижаноб фазилат-
ларни ўз қалбига сингдиради. Хусусан, мил-
латимиз табиатига хос бўлган эзгу фазилат-
лар навқирон авлодга ҳақиқий ибрат, намуна
эканлиги ҳаётимизда кўришиб турган воқе-
лардир.

Халқимиз ҳамisha инсон хотирасини азиз,
қадрини сарбаланд тутиб келган. Шу боис
ҳам газетамизнинг ушбу сони Хотира ва
қадрлаш кунига бағишланди.



Темур ҚУРБОНОВ
олган сурат.

Юртимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш
куни муносабати билан хайру саховатга
йўғрилган эзгу амалларни бажариш одат
тусига кирганилиги барчамизга аён. Зеро,
айём арафасида пойтахтимизнинг Собир
Раҳимов туманидаги Саховат уйида "Кек-
салар эъозда" деб номланган байрамо-
на кеча ташкил этилди.

МУРУВВАТ ВА ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

Тадбир Ўзбекистон Хо-
тин-қизлар кўмитаси раҳ-
намолиги остида таниқли
қизикчилар хонандалар
иштирокда ўтди.

— Бу ерда 161 нафар
уруш ва меҳнат фахрий-
си истиколат қилади, —
дейди Саховат
уйи директори
Анвар Каримов. — Кексалар учун
тиббий, ижтимоий ва
маънавий жиҳатдан бар-
ча шарт-шароитлар яра-
тилган. Айниқса, ўзининг
беминанат кўмаги, совға-
саломлари билан отахо-
ну онахонларимизни хуш-
нуд этувчи савобталаб
юртдошларимиз кўплигидан
қувонсан, киши.
Улар кўмаги билан бугун-
гидек маданий тадбир-
лар, кўтаринки руҳдаги
шодиёналар даргоҳимиз-
да тез-тез ўтказиб тури-
лади.

Аслида, кўнгли меҳр-
дан ортқ илтифотни тала-
б қилмайдиган бу нуру-
ний қариларнинг шодли-
ги учун шунинг ўзи ки-
фоя. Юртбошимизнинг
уларга алоҳида ғамхўрлик
ва эътибор билан муно-
сабатда эканлиги эса
ёши улугларимиз учун яна
ҳам кучлироқ руҳий ма-
даддир. Иккинчи жаҳон

уруши қатнашчиси Шам-
сиддин ота Каримовнинг
мамнулик балқиб турган
чехрасидан, шукроналик
тўла сўзларидан ҳам буни
англаш қийин эмас.

— Икки йилдан буён шу
ерда яшайман, — дейди
отахон. — Уруш-
дан кейинги ум-
римни беморлар
дардига малҳам
бўлиш, меҳрлат кўнгли-
ларга умид улашмоққа
сарф этдим. Шифокор
бўлганим боис меҳр ва
эътибор кутган кишига
нима зарурлигини яхши
билиман. Бизнинг ўксин-
май, муҳтожлик сезмай
кун кечиршимиз учун бу
масканда барча шароит
муҳайё қилинган. Беш ма-
ҳал иссиқ таомдан тор-
тиб, йилига икки марта-
ба тўлиқ тиббий кўриқдан
ўтиш ва унинг натижаси-
га қараб, сихатдоҳларда
даволаниш умримизга
умр кўшмоқда. Бизнинг
эъоз ва ардоқдан баҳра-
манда яшашимизни таъ-
минлаётган Юртбоши-
миздан бениҳоя миннат-
дормиз. Илоҳ, тинчлиги-
миз, фаровонлигимиз,
навқирон ёшларимиз дунё
турғунча турсин!

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ТИМСОЛИ

Бугун "омбудсман" атамаси таомилдаги сўзга
айланиб қолди. Бу парламент омбудсманнинг
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Инсон
ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа
қир қатор халқаро ҳужжатларнинг норма ва
қоидаларига асосланган фаол ҳамда илмий
фаолиятдан дарак беради. Негаки, мамлакатим-
изда фуқароларнинг конституций ҳуқуқлари,
манфаатлари ва эркинликлари кенг кўлаmda ва
самарали муҳофаза этилмоқда. Республикаимизда
ушбу институтнинг муваффақиятли фаолият
юртиши учун тегишли ташкилий-ҳуқуқий,
моддий-техник шарт-шароитлар яратилган.

Президентимизнинг "Ин-
сон ҳуқуқлари умумжаҳон дек-
ларацияси қабул қилингани-
нинг 60 йиллигига бағишлан-
ган Тадбирлар дастури тўғри-
сида"ги Фармони Ўзбекист-
онда, жумладан, омбудсман
институтини оқим демократик
жараёнларни чуқурлаштириш-
да яна бир муҳим қадам
бўлди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Инсон
ҳуқуқлари бўйича вакили
(омбудсман) институтини дав-
латимиз раҳбарининг ташаббу-

си билан Марказий Осиёда
биринчилардан бўлиб 1995
йилда ташкил этилди. Мазкур
институтнинг ўн уч йиллик
фаолияти шунинг кўрсатадики,
унинг таъсис этилиши мам-
лакатимизда инсон эркинли-
ги ва ҳуқуқларини кафолат-
лаш, шахс дахлсизлигини таъ-
минлашга йўналтирилган де-
мократик ислохотларни чуқур-
лаштиришга хизмат қилди.
Омбудсман институтини на-
фақат инсон ҳуқуқи ва манфаат-
ларини ҳимоя қилади, балки
у парламент назоратини са-

марали амалга оширувчи
орган ҳамдир. У фуқаролар-
нинг ҳуқуқ ва эркинликларини
бузилган ёки камситилган
ҳолатларда уларни тиклаш
имкониятини таъминлайди.
Омбудсманга бўлаётган
муносабатлар сонининг йил-

Мушоҳада

дан-йилга кўпайиб бориши
аҳолининг ҳуқуқий маданияти
юксалётганидан, шунингдек,
институт оубрсининг тобора
ошаётганидан даролат беради.
Утган давр мубайида
омбудсман томонидан мам-
лакатимизнинг турли вилоят-
ларида хотин-қизлар ва бо-
лалар, хусусий уй-жой мулк-
дорлари, ногиронлар, фермер-
лар, махбуслар ҳуқуқлари,
шунингдек, давлат органлари ва
судларга муножаат қилиш
ҳуқуқининг таъминланиши юза-
сидан мониторинг-тадқиқот-
лар олиб борилди. Инсон

ҳуқуқ ва эркинликларини таъ-
минлашга қаратилган давлат
сиёсатини амалга ошириш
доирасида омбудсман Кон-
ституциявий суд, Бош проку-
ратура, Адлия, Ички ишлар ва
Соғлиқни сақлаш вазирлиқла-
ри, Жаҳон иқтисодиёти ва дипло-
матия университети билан
узвий ҳамкорлик ўрнатди. Шунинг-
дек, Касаба уюшмалари
федерацияси марказий кенга-
ши, Ўзбекистон судьялар асо-
циацияси, Инсон ҳуқуқлари
ва гуманитар ҳуқуқлари ўрга-
нини таркибисини кўпайтириш
жамоат тузилмалари билан
ҳам узаро ҳамкорлик битим-
лари тузилган.

Амаллиёт шунинг кўрсатдики,
Ўзбек омбудсмени институтини
тажрибаси халқаро ҳам-
жамиятда ҳам катта қизиқиш
уйғотиб келмоқда. Олий Маж-
лисининг Инсон ҳуқуқлари
бўйича вакили 1998 йилдан
бундан Халқаро омбудсман ин-
ститутининг, 2002 йилдан бери
Европа омбудсман институти-
нинг аъзосидир. Швеция,

Сайёра АЗИМОВА.

ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ТЕЗКОР ВА САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Кеча пойтахтдаги Миллий
матбуот марказида молия-
хўжалик фаолияти (бухгал-
терия ҳисоб-китоби)ни
автоматлаштириш бўйича
"UZTO" миллий дастури
лойиҳасига бағишланган
семинар бўлиб ўтди.

Республика Савдо-саноат пала-
таси, Ўзбекистон алоқа ва ахборот-
лаштириш агентлиги томонидан
ташкил этилган ушбу тадбирда ва-
зирлиқлар, идоралар, кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорлик субъект-
лари, оммавий ахборот воситалари
вакиллари, олимлар ҳамда му-
тахассислар иштирок этди.

Ривожланган давлатларнинг
банк-молия соҳасида ҳисоб-
бот топширишнинг авто-
матлаштирилган қулай ва
самарали тизимлари яра-
тилгани маълум. Бу
субъектларнинг қимматли
вақтини тежашига, қўғозбо-
лиқнинг олдини олишига, энг
муҳими, ҳисоб-китоблар-
нинг аниқ ва муқаммал
бўлишига хизмат қилмоқда.
Таъкидлаш жоизки, мамла-
катимизда ҳам мазкур йўна-
лишда муайян ишлар олиб

борилмоқда. Республика Савдо-са-
ноат палатаси ва "NetDec" масъу-
лиятли чекланган жамияти томони-
дан амалиётга татбиқ этилаётган
"UZTO" миллий дастур лойиҳаси
бунга мисол бўла олади. Ҳозирда
мазкур лойиҳа асосида республика
Савдо-саноат палатасининг мар-
казий аппарати ва унинг 14 та худуд-
ий бошқармасида бухгалтерия
ҳисоботининг яна ахборот ти-
зими ишлаб чиқирилиб, сивовдан
ўтказилмоқда.

Лойиҳа муаллифларининг маъ-
лум қилишича, "UZTO" шунларни-
нинг ўзига хос жиҳати шундаки,
уни ишлаб чиқиш ва сивовдан ўтка-
зишда Ўзбекистон Бухгалтерлар
миллий ассоциацияси, иқтисодиёт-
нинг турли тармоқларида фаолият
қилиётган аудиторлик компания-
ларининг мутахассислари ҳам иш-
тирок этмоқда. Бундай ҳамкорлик
нафақат "UZTO"нинг ҳисоб-китоб
тартибини ва алгоритмининг тўғри
қилинишига, балки мамлакатимиз
кўнунчилик базасининг бухгалтер-
лик ҳисоби ҳамда ҳисоботида оид
моддаларига киритилган ўзгариш-
лардан ўз вақтида хабардор
бўлишига ҳам имконият яратди.

Семинар иштирокчиларига дас-
турининг асосий вазифалари, улар-
ни қўллаш мумкин бўлган соҳа ва
тармоқлар, шунингдек, қорхоналар
учун ҳисоб-китоб амалиётини
автоматлаштиришда лойиҳанинг
афзалликлари ҳақида батафсил
маълумот берилди.

Сенд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Сендolim ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШАҲРИСАБЗ — ЖАҲОН НИГОҲИДА

Темурийлар даври ёдгорликлари башариётнинг
бебаҳо маданий бойлиги ҳисобланади. Уларнинг
энг қадимийлари Амир Темур таваллуд топган
Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган. Шунинг учун ҳам
уларга дунё халқларининг қизиқиши
катта. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон ме-
роси маркази Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этган халқ-
аро семинар ана шу ёдгорликларни асраш, таъ-
мирлаш, консервациялаш муаммоларига бағиш-
ланди. Иштирокчилар салобатли Оқсарой, Дору-
тловоат, Дорус-саодат мажмуаларини кўздан ке-
чириб, асрий меъморий обидаларнинг умрини
узайтириш, қадимий қиёфасини тиклаш соҳасида
амалга оширилган ишларга юксак баҳо бердилар.
— Темурийлар даври ёдгорликларига ЮНЕСКО
ва бошқа маданий мерос билан шугулланувчи

халқаро ташкилотларнинг қизиқиши катта, — дей-
ди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мада-
ний мерос объектларини муҳофаза қилиш ва
улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош
бошқармаси бошлигининг ўринбосари
А. Раҳмонов. — Мазкур тадбир-
дан қўланган асосий мақсад, юр-
тимизнинг тарихий ёдгорликларини асра-
ш соҳасидаги тажрибасини ўрга-
ништириш, Анжуманда меъморий ёдгорликларини
реставрация қилиш, сайёҳлик инфратузилмасини
ривожлантириш каби масалалар бўйича та-
сирлар таъбирлаш ҳақида ундан ортқ мамлакат-
лардан келган тарихчи ва археолог олимлар,
мутахассислар узаро фикр алмашдилар.

Бўри НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал"
меҳмонхонасида Ижтимоий ташаббусларни
қўллаб-қувватлаш фондининг "Фермер
аёллари микрокредитлар бериш. 2-фаза"
лойиҳаси голлиларини тақдирлаш маросими
бўлиб ўтди.

ФЕРМЕР АЁЛЛАРГА — МИКРОКРЕДИТЛАР

Тадбирда республика ак-
циядорлик тижорат "Микро-
кредитбанк"ни мутахассисла-
ри, "Маҳалла" жамғармаси
вакиллари, бир
қатор кредит
уюшмалари
аъзолари
ҳамда хорижий молия таш-
килотлари вакиллари ишти-
рок этди.

Таъкидлашдики, мамла-
катимизда тадбиркорликни
йўлга қўйиш ва ривожланти-
риш учун барча шарт-
шароитлар яратиб берилган.
Иқтисодиётнинг бу жаҳаси-
да, айниқса, хотин-қизлар
фаолиятини ошириш мақса-
дида улар ҳар жиҳатдан
қўллаб-қувватлаб келинмоқ-
да. Натижада, фермер
бўлган, кичик бизнес ва ху-
сусий тадбиркорлик билан
шугулланяётган аёллар сафи

тобора кенгайиб бормоқда.
Хотин-қизларнинг ўз биз-
несини йўлга қўйиши, бунинг
учун бошланғич сармояни
жалб этишдида Иж-
тимоий ташаббуслар-
ларни қўллаб-қув-
ватлаш фонди

лоийҳаси қўл келмоқда. Не-
гаки, бу лойиҳа 2 босқичдан
иборат бўлиб, унда илтирок
этишни қўлга киритганларга
дастлаб бошланғич маблағ
ажратилади. Улар орасидан
тадбиркорликни тўғри ва са-
марали ташкил этганлари
кўнунчилик ҳақида ривож-
лантириш учун иккинчи бор
кредит берилади. Уштан йили
республикамизнинг 7 шаҳри-
дан 70 нафар аёл шу имко-
ниятдан фойдаландилар.

Сенд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ ОБЪЕКТЛАР, ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР



2008 йилнинг биринчи чорагида 105 та ишлаб чиқариш объекти мамлакатимизда фойдаланишга топширилди.

Бунинг натижасида республикамизнинг озиқ-овқат саноати, енгил ва тўқимачилик, қурилиш материаллари саноатида импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбон маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бир рақам шарҳи

сўзлар рақамлар...

3 Бугунги кунда мамлакатимизда миллионга яқин қариялар, шу жумладан, қарийб 16 минг нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони, **200** минг нафар атрофида фронт орти меҳнат фахрийси истиқомат қилади.



2007 йилнинг 7 сентябрида Президентимизнинг "2007—2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чоратадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.



Мамлакатимиздаги мавжуд Саховат ва Муруват уйларига **337** миллион сўм миқдорда ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Жорий йилда ёлғиз кексаларнинг 26 минг нафари диспансер кўригидан ўтказилди.

ЭЗГУ ЗИЁРАТ

Хотира ва қадрлаш кuni аяфасида **Жиззах шаҳрида яшовчи 70 нафар уруш ва меҳнат фахрийси Галлаорол туманидаги зиёратгоҳларда бўлди.**

Қариялар сафари туман марказидаги «Хотира» ёлғорлик мажмуасини зиёрат этишдан бошланди. Улар мустақиллик йилларида барпо этилган сўлим бу масканда амалга оширилган ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш ишлари билан танишдилар. Туманда миллий, тарихий ва диний қадриятларимизни эъзозлашга берилётган эътибор меҳмонларда чуқур таассурот қолдирди. Шу кuni туманда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари билан бўлган учрашувда галлаороллик 40 фахрийга «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари вилоят бўлиминининг қўллаб-қувватлаш савгалари топширилди.

Уттанларни хотирлаш, фахрийларни қадрлашга бағишланган бундай тадбирлар барча туман ва қишлоқларда, маҳалларда бўлиб ўтаётган, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Исрол Хушиев. — Вилоятда 510 нафар уруш фахрийси яшайди. Улар ўша етган бу инсонларнинг айримлари саломатлиги босиб бундай тадбирларда қатнаша олмайдилар. Шунинг учун уларнинг хонадонларига бориб, давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 апрелда қабул қилинган фармонида мубофиқ, пул муқофоти ҳамда вилоят ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаш савгаларини топширдилар.

Инсон эътиборда бўлиб, қадр топа, ҳаёт гўзал кўринадилар, — дейди Жиззах шаҳридан уруш фахрийси Иван Препесов. — Президентимизнинг гамжўрлигини, халқимизнинг меҳр-оқибатини доимий ҳис этиб яшаш биз, кексаларнинг руҳини кўтаради. Шундай юрда яшашнинг ўзи улуг бахт.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

ДУОЛАР ИЖОБАТИ

— Уруш бошланган йиллари биз кўча чангитиб юрган болалар эдик, — хотирлайди «Нуроний» жамғармаси Булоқбоши тумани бўлимининг раиси **Исмоилжон Норматов.** — Оталаримиз, акаларимизни урушга қузатганимизни элас-элас эслайман.

Ўшанда туманимиз бўйича 4996 нафар йигит жанггоҳга кетган экан. Уруш тугагач, кўплари бир қўлидан, яна бир хиллари оёғидан ажраб майиб-мажруҳ бўлиб қайтди. Бугунга келиб уруш кўрганлардан бор-йўғи 52 нафар киши қолди. Шулардан уч нафари Учтепа, тўрттаси Ширмонбулоқда истиқомат қилади. Биринчи гуруҳ

ногирони Қозоқбой ота Рустамов яқинда 98 ёшга кирди. Яна бир уруш фахрийси Оқбола ота Шоев тўқсон билан тўқнашди. — Юрда тинчлик, осойишталик бўлсагина берилиб ишлайсан, роҳат қилиб яшайсан, — чўққи соқолини силаганича салмоқлаб сўз бошлади биринчи гуруҳ ногирони Тўракул ота Турғунов. — Ҳар йили йўллар очиларди, муҳташам иморатлар қурилмоқда. Енгил мошинлар

кўпайгандан кўпаймоқда. Одамлар гўмбурлатиб тўйлар қиларди. Буларнинг ҳаммаси тинчликдан, албатта. Ва, тагин Юртбошимиз биз кексаларга гамжўрлик кўрсатиб, бирон нарсадан зориқиб қолишмасин деб, катта-катта пул ҳам бердирипти. Яқинда менга ўзимизнинг Асакада ишлаб чиқарилган «Матиз» мошинини имтиёз асосида беришди.

— Тўракул ака ҳақ гапни айт-

ди, — суҳбатга қўшилди Исмоилжон Норматов. — Яқка ёлғизлардан беш нафарининг уйини таъмирдан чиқардик. 38 кишига 9 хил озиқ-овқат маҳсулоти бепул бериларди. Ўтган йили уруш ҳамда фронт орқасида меҳнат қилган фахрийлар-

дан 58 нафари мамлакатимиздаги сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаб қайтди.

Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида кўра, булоқбошилик уруш қатнашчиларига 4 миллион 600 минг сўм пул байрамона тарзда тарқатилди. Ҳар бирларининг уйларига бориб йўқландилар, ҳол сўралди, дийдорлашилди.

Кексалар инсон қадри улуғланган, беқиёс гамжўрликлар билан қураб олинган Ватанда яшаётганликларига шукроналар келтириш баробарида юртимизга кўз теғмасин, дея дуога қўл очдилар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Миннатдорлик



ЭЪТИРОФ ВА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида Ўзбекистон фан арбоби, адабиётшунос олим, академик, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси **Матёқуб Қўшонов фаолияти ва ижодига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.** Унда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, ўқитувчилар, олимнинг шогирдлари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Тил ва адабиёт институти директори Тўра Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий адабиётимизни янада раванқ топтириш, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшган алломаларнинг бой маънавий меросини чуқур ва мукамал ўрганиш, халқимиз, айниқ-

са, ёш авлод ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратилётганини таъкидладилар.

М. Қўшоновнинг асосий илмий ишлари адабий танқид ва адабиётшунослик методологиясининг долзарб масалалари, адабиёт назарияси ва ёзувчиларнинг бадиий маҳоратига бағишлангани билан аҳамиятлидир. Олимнинг илмий-тадқиқотларида Абдулла Кодирий, Абдулла

Қаҳор, Ойбек сингари зарбардаст ёзувчилар, шоирларнинг маҳорати атрофлича таҳлил этилган. Унинг «Тепки босилди», «Алам», «Армон», «Дағиш» каби бадиий-биографик асарлари мутахассислар, адабиёт ихлосмандларига яшши маълум.

М. Қўшоновнинг ижоди истиқлол йилларида қадр ва эъзоз топди. Президентимиз фармони билан олим «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.

Анжуманда олимнинг фаолияти ва ижодий мероси, ҳаётига оид ёрқин хотиралар ҳақида шогирдлари, яқинлари, адабиётшунослар атрофлича сўз юритдилар.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Фаргона «Кимёвий толалар» заводи давлат корхонаси

2008 йил 12 май кuni соат 11.00 да корхона маъмурий биносидан ўтказиладиган умумий кредиторлар йиғилишига таклиф этади.

Кун тартиби:

1. Вилоят хўжалик судининг 2008 йил 30 апрелдаги 15-0701/17993-сонли ажримига асосан янги суд тугатув бошқарувчиси этиб Б.С.Казимов тайинланганлиги тўғрисида.
2. Завод мол-мулкни қайта баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотни танлаш.
3. Кредиторлар қўмитасини қайта сайлаш.
4. Ишлаб чиқаришни тўхтатмаслик масаласи муҳокамаси.
5. Умумий масалалар.

Йиғилиш манзили: Фаргона шаҳри, Кимёгарлар кўчаси, 1-уй.

Йиғилишга вакил ўзи билан тасдиқловчи ишончнома олиб келиши сўралади.


«АГРЕГАТ ЗАВОДИ» ОАЖ

кeнг ассортиментда тракторлар, чилит экиш сеялкалари, культиваторлар, плуглар ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари бутловчи қисмларининг баҳорги мавсумий сотувини ўтказлади.

Завод 2008 йил 1 июнга қадар бутловчи қисмларни 30% чегирма билан сотади.

Манзилимиз: 100057, Тошкент ш., Уста Ширин к., 117-уй.

Таксимот бўлими телефонлари: 228-11-02, 248-16-51, 248-02-40, Факс: 228-29-21, 248-02-40.



Танишинг: ТЕНДЕР ҒОЛИБЛАРИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси чақалоқларда патологик ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олиш мақсадида ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра:

— **1-лот** бўйича «Хомилдор аёлларни перенатал скрининг текширувларидан ҳамда чақалоқлардаги туғма гипотериоз ва муковисцидозни аниқлаш учун «Делфия-Виктор» аппарата ишлатиладиган диагностика тўпламлар» бўйича «PRIBORI OY» (Финляндия) фирмаси

— **2-лот** бўйича «Тугма фенилкетонурияли чақалоқлар учун болалар шифобахш озиги» бўйича «STRADFORD GROUP MANAGEVENT LTD» (Буюк Британия) компанияси ғолиб бўлганлигини маълум қилади.

ҲАМКОРБАНК

Сизларга қулай ва фойдали бўлган омонатларни таклиф қиламиз

ПУЛЛАРИНГИЗНИ КЎПАЙТИРИШ ИМКОНИЯТИ

30%

БАРАКА — кўрсатувчига Сўмдаги омонат

26% +


ЮТУҚЛИ — тақдим этувчига Сўмдаги омонат

12%

УНИВЕРСАЛ — тақдим этувчига АҚШ долларидан

8%

STEP ЕВРО валютасида



Омонатга қўйиладиган энг кам бадал миқдори **ЧЕКЛАНМАГАН**

«Ҳамкорбанк» сизнинг биринчи талабингиз асосида омонат маблағингизни қайтариб беришни таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларига аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2008 йил 20 февралдаги Фармонида асосан ҳамда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан омонатга қўйилган пул маблағларингизнинг сир сақланишини ва тулик қайтарилишини кафолатлайди.

«Ҳамкорбанк» — сармоянгиз кўпайишида ишончли ҳамкор!

Кўшимча маълумот учун: (8-374) 224-70-91, 224-77-18

SONATA

Ўз йўлингни танла!



Drive your way

КАФОЛАТ — 2 йил.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.



HYUNDAI

Official Partner

Tel. 250-11-11

Атоқли олим, жамоат арбоби, академик Иброҳим Ҳамрабоев ҳаёт бўлганида ҳозир 87 ёшни қаршилаган бўларди. У киши қаерда бўлмасин, юксак қобилият соҳиби эканлиги билан ажралиб турарди. Доимо изланишда, ўзгаларга муруватли бўлишга интилувчи, аввал салом, сўнг калом қабилида яшашга одатланган хушхулқ киши эди. Шулар ҳақида ўйлар эканман, Юртбошимиз айтган мана бу сўзлар ёдимга тушади: "Инсон қачон ўзи ҳақида ўйлайди? Қачон соғлиги борасида қайғуради? Қачон болам-чақам дейди? Улардан ортиб, ўзини ҳам ўйлайдими?" Зеро, бу сўз айнан устозимиздай инсонлар тўғрисида айтилган бўлса, не ажаб?!

ОТАДЕК УЛУФ ЭДИ

Домла камтарин, кенг фел, олижаноб хусусиятли инсон эди. Бунинг иботини куйидаги воқеа мисолида ҳам билсак бўлади. Уни менга биология фанлари доктори, профессор Уринбой Ҳасанов айтиб берганди.

"Ушанда академик Жўра Саидов Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника илмий-текшириш институтига директор эди, — деган эди суҳбатдошим. — Бир куни у киши мени иш юзасидан чорладилар. Борсам, директор хонасида академиклардан Қори-Ниёзий, Аҳор Музаффаров ҳамда сеvimли санъаткоримиз Наби Раҳимов ўтиришган экан. Улар И. Ҳамрабоев ҳақида тўқилгани сўзлашар, олимнинг юксак иқтидорини алқашарди. Шу орада Наби ака сўз қотди: "Мен ақинда Иброҳим Ҳамрабоев тўғрисида бир гап эшитдим. Республика академиясида академик унвони номзодлигига атиги икки киши — И. Ҳамрабоев билан В. Попов тавсия қилинган экан. Бундан хабар толган И. Ҳамрабоев академияга келиб: "Менинг ҳужжатла-

римни қайтариб берсанглар, илтимос", — дебди. Шунда у кишига, нима сабабдан қайтиб олаёйсиз? Биз сиздай ёш, иқтидорли олимга бажонидил овоз бермоқчи эдик, — дейишибди. Бунга жавобан у киши уэр сўрабди-



да: "В. Попов менинг устозим бўлади, у кишининг қўлида деярли 4 йил сабоқ олиб, геологиянинг сир-асрорларини ўргандим, устоз билан бир сафда туришга журъат қилолмайман", — деб туриб олибди. Шу гап ростми?" Қори-Ниёзий, чиндан ҳам, бу воқеа содир бўлганини, ушанда бундай олижаноблик кўпчиликини ҳайратга солганини айтди. Умуман, домланинг бошқаларга бўлган олижаноб муносабати атрофдагиларни доимо лол қол-

дирган. Шу ҳақда ёзар эканман, домла билан боғлиқ кичик бир воқеа ёдимга тушди...

▼ Яхшилар ёди

бўйича машғулот ўтардик. Илтимосимиз билан домла шу ерга келди. Иброҳим ака иккимиз чуқур бошида, ҳар ким ўз иши билан банд. Маълумки, ҳандақа тушишдан аввал техника хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиш лозим. Мен бошга киядиган каскамни домлага бердим, керакли чораларни қўллагач, шахта туби сари икки-уч метр илдамладик. Домла ҳар бир тошга болга уриб, сўнг уни лупа ёрдамида синчиклаб кўздан кечирар эди. Бир маҳал домланинг оғир-босиқлик билан: "Абдумалик, бошингиз ўзингизга керак бўлмаса ҳам бизга керак!" деган илтифоти ҳаёлимни бўлди. Кейин билсам, бо-

шимга каска кийиш ҳаёдан фаромуш бўлган экан. Бундай ғамхўрлик, самимий меҳрибонлик ҳис-туйғуси фақат отадай қуюнчак устозларгагина хос бўлади...

Домла табиатни ва ҳаётни жуда-жуда севар,

Абдумалик СОВТОВДИЕВ,
маъданшунос геолог.

▼ Танлов

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида "Камалак жилоси" номли расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

«КАМАЛАК ЖИЛОСИ»

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида қарийб ўн йилдан буён аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган ушбу танлов кўрда ёш иқтидор соҳибларини кашф этмоқда.

Танловнинг вилоят босқичларида голиб деб топилган 150 нафар ёш истеъод эгасининг юздан зиёд тасвирий, саксондан ортик амалий санъат асарини нуфузли хайъат аъзолари хулосасига кўра баҳоланди. Унга мувофиқ, Бухородаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси А. Ниясов ва Самарқанддаги 11-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси С. Курбонваларнинг табиат манзаралари акс этган асарлари юқори баҳоланди. Тошкент вилоятидан келган 6 ёшли Бахтиёр Самадов эса "Камалак жилоси"нинг энг ёш иқтидорли иштирокчиси сифатида тақдирланди.

Мавжуда **ХОЛМАТОВА,** «Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Жиззахда кикбоксинг бўйича очик Икки кун давом этган мусобақаларда чемпионат ўтказилди. Ёшлар йилига ба- умумжамоа ҳисобида майдон эгалари голиб гишланган мусобақаларда Самарқанд вилояти Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 200 нафардан зиёд спортчи 25 вазн тоифаси бўйича кураш олиб бордилар.

▼ Спорт

Бохриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги» МЧЖ

2008 йил 5, 9, 13 июнь кунлари соат 12.00 да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Ҳўжаев кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда:

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 18 декабрдаги 10-0708(12)/13346-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эълон қилинган «АЗИЯ-ЧЕМ» ҚК тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, «Водник» даҳаси, Х. Бойқор кўчаси, 35-уйда жойлашган «АЗИЯ-ЧЕМ» ҚКнинг мулкчи мулкчи мажмуа сифатида қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 2 002 043 839 сўм.

Маъмур мулкчи мажмуа аукцион савдоларига қўйилиши тўғрисида «Тошкент оқшоми» газетасининг 2008 йил 6 майдаги 86-сонида эълон берилган. Ушбу мулкни тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин.

Савдода қатнашиш истагидаги харидорлар савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закатла пулини савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закатла пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Ҳўжаев кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 238-69-94, 238-69-93.



Май - Хотира ва қадрлаш кун

Азиз юртдошлар!
Юрт тинчлиги йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган фахрийларга чуқур миннатдорлик билдириб, уларга сиҳат-саломатлик, бахт ва шодлик тилаймиз. Уйингизда доимо тинчлик, фаровонлик нури чароғон бўлиб турсин!

МТС алоқа оператори

Батафсил: 0890 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 www.mts.uz / wap.mts.uz Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Удиробит» компанияси томонидан тақдим этилади. Хизматлар лицензияланган.

«USSD-ПОРТАЛ» — ОДДИЙ ВА ҚУЛАЙ!

МТС компанияси ўз абонентлари учун кўплаб USSD хизматларидан осон ва қулай фойдаланиш имконини берадиган «USSD-портал»ни жорий этди. Энди барча зарур USSD-қоғазларни эсда сақлаб ўтирмайсиз. Бунинг учун фақат битта рақам — *111# териб юборишингиз телефон экранидан пайдо бўладиган менюдан керакли пунктни танлаб олади ҳамда ўзи учун зарур нарсалардан фойдаланиши мумкин. Маълумки, ҳар бир абонент USSD-қоғазлардан унумли фойдалана олади. Жумладан, у ўз ҳисобидан қанча пул қолганини билиши, экспресс-тўлови картаси ёрдамида ҳисобини тўлдириши, дўстидан қўнғироқлашишни илтимос қилиши, турли хил қўшимча хизматларни ёқиб-ўчириши ва бошқа қўлги на операцияларни амалга ошириши мумкин.

Эндиликда «USSD-портал» ёрдамида барча хизматлардан фойдаланиш янада оsonлашди — абонент фақатгина битта *111# рақамни юбориб, МТС абонентлари — маълумот ва сервис хизматлари менюсига кириш имкониятига эга бўлди. Портал менюсидан фойдаланиш учун телефондаги меню хизматларининг тартиб рақамларига мос келадиган рақамли клавишларни босиб керак, холос.

«USSD-портал» — мобил телефонни қулай ва кўп вақт зарур бўлганда қўлайлиги билан фойдаланиш учун телефондаги меню хизматларининг тартиб рақамларига мос келадиган рақамли клавишларни босиб керак, холос.

Успех-дело техники!

FUJITSU COMPUTERS
SIEMENS

Успех

Серверы и компьютеры для решения любых задач

Производительность

Сделано в Германии

Адрес: ул. Лисюнова, 2. Тел. (+99871) 294-60-60. E-mail: sales@nuron.uz
www.nuron.uz www.fujitsu-siemens.ru

МИР обоев

ЭкоSmart

Российский линолеум

Тел. 234-48-11

Факс 234-49-58

Товар сертифицирован.

Форма оплаты — любая.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

236-09-25

232-10-63

242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ректорати ва жамоаси неонатология кафедрасининг доценти Муъясар Фуломова ҳамда поликлиника педиатрия ва реабилитология кафедрасининг ассистенти Мукамбар Фуломовга волидаи муҳтарамаси МУШАРРАХ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуңчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқини — 20.30 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6 7

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Э. Болнев. Навбатчи — М. Охунова. Мухасшиҳ — Х. Топмуҳаев.